

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Ҳалол



## Нажосат турлари ва уларни поклаш баёни



Нажас ифлос нарса бўлиб, пок нарсанинг зиддидир. Шариатда ифлос хисобланган нарса нажас хисобланади. Нажас нарсалар икки турга бўлинади:

### 1. Аслий нажас.

Аслий нажасга сийдик, тезак, маний, мазий ва хамрлар мисол бўлади.

### 2. Хукмий нажас.

Хукмий нажас эса катта ва кичик бетахоратликдир. Катта бетахоратлик гусл килиш билан, кичик бетахоратлик тахорат килиш билан кетади. Тахорат ва гуслнинг хукмлари юкорида баён килинди.

Бу бобда аслий нажас нарсалардан покланиш тартиби баён килинади. Аслий нажас нарсалар кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган турларга бўлинади.

Инсон ва хайвоннинг тезаклари каби кўзга кўринадиган нажаслардан сув ёки сувдан бошка суюкликлар (Сувдан бошка суюкликлар яъни, шарбатлар, дараҳт ва мевалардан олинган сувлар, сирка ва бензин каби суюкликлар аслий нажасларни кетказади. Аммо кукмий нажасни кетказмайди.) билан бир марта ювиш билан бўлса-да, нажаснинг айнини кетказиш билан пок бўлади. Кўнгилни кетидан яна бир-икки марта ювиб ташлаши маслахат берган факихлар хам бор. Сув ва бошка суюклик билан тозалагандан кейин нажаснинг хиди ва ранги колса хам, зарари йўқ. Аммо совун ёки шунга ўхшаш нарса билан асарини хам кетказиб юборилса, яна хам яхши бўлади.

Сийдик ва хамр каби кўзга кўринмайдиган нажаслар сикиш имкони бор нарсаларга тегса, имкони бўлса, уч марта ювиш ва хар бир ювишдан сўнг сикиб ташлаш билан покланади.

Агар бунинг имкони бўлмаса, ювиб, сув томиб бўлгунича ташлаб кўйилади ва бу иш уч марта такрорланади. Масалан, нажас теккан нарса ёгочга ўхшаш сикиб бўлмайдиган нарса бўлса, шундай килиш мумкин.

Нажас нарса билан пиширилган гўштни уч марта кай-натиб-совутиш билан покланади. Сариёг ва хайвон ёѓларини сув куйиб, кайнатиб, ёгни сув устига чикариб олиш ишини уч марта бажариш билан покланади.

Дон маҳсулотлари, янги сопол ва ёгоч идишларни уч марта ювиб-куритиш билан покланади.

Маний - эркаклик уругини тозалаб ташлаш учун, уни ювиб ташлаш ва куриб-котиб колган бўлса, укалаб-кириб ташлаш керак.

Ойша розийаллоҳу анхудан ривоят килинади: “Мен расулulloҳу соллаллоҳу алайхи ва салламнинг кийимларидан манийни ишқалаб кетқизар эдим. У зот ўша кийимда намоз ўқир эдилар” (Имом Муслим ривояти).

Махси ва шунга ўхшаш нарсаларни одам ёки товук ахлати каби жисми бор нажосатлардан тозалаш учун ерга ишқаш керак, бордию суюк нажосат теккан бўлса, фактат ювиш билан покланади.

Килич ва унга ўхшаш нарсалар артиб тозаланади. Кадимда сайкалланган киличларни ювганда бузилгани учун, уларни артиб тозаланган.

Гилам, палос ва кигизга ўхшаш калин нарсага нажас тегса бир кечада ёки бир кундуз унинг устидан сув оқизилади. Бу вакт ичидаги гиламдаги нажосат колмайди. Гиламнинг бир бурчагига нажас тегса, унинг тоза тарафида намоз ўкиш мумкин.

Ер ва унга туташ ерда ўсиб турган дараҳт ва ўтлар каби нарсалар устидаги нажосат куриб йўколгач, тоза хисобланади. Яъни, бу нарсалар ердан ажралмагани учун, уларни ювиб-сикишнинг ёки ёйиб куритишнинг иложи йўқ. Уларни куёшда, шамолда ёки оловда куритилади ёки нажосат асари кетказилади. Бу тарика тозаланган нарсаларда намоз ўкиш мумкин, аммо уларга кўл уриб таяммум килиб бўлмайди. Чунки таяммум килинадиган тупрок ўта тоза бўлиши лозим.

От ва гўшти ейиладиган хайвонларнинг сийдиги хамда гўшти ейилмайдиган лочин, калхат каби кушларнинг ахлати каби нарсалар енгил нажосат дейилади.

Енгил нажосат кийимнинг ёки бадандан бир аъзонинг тўртдан биридан оз микдорича ёйилса, у билан намоз ўқиса бўлаверади, яъни, бу нажосат одамларга осонлик тугдириш

учун кечирилади.

Гўшти ейиладиган кушнинг ахлати пок хисобланади. Оккан кон, арок, ўлимтикнинг гўшти ва ошланмаган тери, гўшти ейилмайдиган хайвонларнинг сийдиги ва ахлати, ит ва йирткич хайвонларнинг ахлати ва сўлаги, товук, гоз хамда ўрдакнинг ахлати, инсон вужудидан чикадиган ва taxоратни бузадиган нарсалар, маний, мазий, вадий (Вадий - сийгандан кейин баъзида чикадиган куюк ок суюклиқ) каби нарсалар, оғизни тўлдириб чиккан кайт оғир нажосат дейилади. Оғир нажосат куюк бўлса, З грамми, суюк бўлса, очик кўл кафтининг сув туродиган кисми микдоричаси афв килинади. Ушбу микдоргача бўлган оғир нажосат теккан кийим билан намоз ўқиса жоиз. Ундан ортганда ўқиб бўлмайди. Яъни, нажосат борлигини билмай намоз ўқилганида ёки намознинг вакти чикиб кетаётгани сабабли уни ювишга вакт бўлмаганида ушбу микдоргача бўлган оғир нажосат билан намоз ўқиса, шу намоз дуруст бўлади. Бунда билиб туриб ўқилса хам, кечирилади. Аммо ундан бошка холатларда нажосат оз бўлса-да, ювилади.

Игна учи кадар майда бўлган сийдик томчиси кийимга сачраса заари йўқ, чунки бундан сакланиш мушкул. Аммо шу зарра сийдик окмайдиган сувга тушса, у сув нажас хисобланади. Кўчада сачраган лой хам, агар нажосатлиги аник бўлмаса, зарар килмайди. Нажаснинг устига тушган сув нажасдир. Аксинча бўлса хам, шундай. Нажас нарса чириши ёки ёниб кул бўлиши сингари ўзгаришларга учраб, ўзининг нажаслик моҳиятини ўзгартирса, тоза хисобланади. Бунга тезакнинг кулга айланиши, эшакнинг туз конига тушиб тузга айланиб кетишини мисол килиш мумкин.

Астарли кийимнинг бир томони нажас бўлса, бошка томонида намоз ўкиш мумкин. Чунки бу холатда бир тарафга теккан нажосат иккинчи тарафга таъсир килмайди.

Бир тарафига нажас теккан гиламнинг бошка тарафида намоз ўкиш мумкин. Шунингдек, нажосатнинг бир оз нами теккан, бирок сикилганида бир томчи хам сув томмайдиган кийимда ёки нажас аралашган лойдан килинган, курук жойга ёйилган нам кийимда, гарчи кийим ўша жойни нам килган бўлса хам ёки нажосаттеккан жойи эсдан чикиб, бирор жойи тахмин килиб ювилган кийимда хам намоз ўкиш жоиз.

Бугдой ва бошка экинларни ўриб, бир жойга янчиш учун тўплагач, устидан юрган эшак ёки шунга ўхшаш хайвонлар пешоб килиб юборса-ю, ўша жойни аниклаб бўлмаса, бирор жойини тахмин килиб ювилади ёки унинг бирор кисми хиба ёки садака килиш йўли билан кетказилади ва бу билан бугдой тоза бўлган хисобланади.

Эркакларнинг taxорат ушатганларидан сўнг юриб, йўталиб ўзларини нажас йўлида колган сийдик томчиларидан калбан ишонч хосил килгунича тозалашлари истибро дейилади. Аёллар истибро учун кўнгил тўлгунича кесак ёки шунга ўхшаш нарсаларни ушлаб турадилар. Сийдик томчиларидан тозаланмай taxорат килган кишининг taxорати дуруст бўлмайди.

"Ханафий фикхидан зарур масалалар" китобидан

Комилов Музаффар, Мираваз ўгли Ақмал